# Аллоҳ таолонинг ҳар бир исми шифодир

# Мусулмон олимлари дунёга совға қилган ихтиролар

**Биогеометрия соҳасидаги машҳур олим, ушбу фанни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган, Швецария университети профессори, доктор Иброҳим Карим Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари инсоннинг ички аъзоларига таъсир кўрсатиб, кўплаб касалликларни даволашини кашф этди.**

**У Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари инсоннинг иммунитет тизимининг самарали фаолият кўрсатиб, қайси исм неча бор такрор айтилса, қайси касалликка шифо бўлишини кашф этди.**

**У резонанс воситасида (овоз тўлқинлари ҳақидаги фан) Аллоҳ таолонинг ҳар бир исми тилга олинганда танадаги энергия қуввати қанчалик фаол ҳаракатлана бошлашини аниқлади.**

**Уч йиллик жиддий тадқиқотлардан кейин у қуйидаги хулосага келди:**

**Қулоқ оғриғи ва оғирлигига Аллоҳ таолонинг "АС-САМИЪ" ("Ҳар бир нарсани эшитувчи") исми 211 марта ўқилади.**

**Умуртқа поғонаси ва унинг хасталигидан (остеохондроз) қутулиш учун "АЛ-ЖАББОР" ("Олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутади") исмини ўқиб юриш одат қилинади.**

**Соч ва унинг жонсизлиги муаммосида "АЛ-БАДИЪ" ("Ўхшаши йўқ нарсаларни келтирувчи") исми 117 марта ўқилади.**

**Мушаклардаги оғриқларга қарши “АЛ-ҚОВИЙ” (“Қувватли Зот”) исми 147 марта ўқилади.**

**Юракнинг мушаклари шифоси учун “АР-РАЗЗОҚ” (“Кўплаб ризқ берувчи”) исми 339 марта ўқилади.**

**Артерия ва қон томирларида “АЛ-ЖАББОР” (“Олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутади”) исми 237 марта ўқилади.**

**Саратонга қарши “ЖАЛИЛ” (“Сифатларида улуғликка эга бўлган Зот”) исми 102 марта ўқилади.**

**Бурун йўли хасталикларида “АЛ-ЛАТИФ” (“Ўта лутф кўрсатувчи. Барча нарсаларнинг нозик ва дақиқ жойларигача билувчи”) исми 16 марта;**
**“АЛ-ҒАНИЙ” (“Беҳожат. Унинг ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳожати тушмайди”) исми 1091 марта;**
**“АР-РОҲИЙМ” (“Латиф неъматларни берувчи”) исми 289 марта ўқилади.**

**Суяк касалликларида “АН-НОФИЪ” (“Манфаат берувчи”) 232 марта айтилади.**

**Тизза ва бўғим касалликларида “АР-РОЪУФ” (“Ўта шафқатли ва меҳрибон”) исми 318 марта ўқилади.**

**Қазғоқ ва соч касалликларида “ЗУЛ ЖАЛАЛИ ВАЛ ИКРОМ” (“Шараф ва камол эгаси. Карам ва икром эгаси”) исми 102 марта ўқилади.**

**Юрак артериясида “АЛ-ВАҲҲОБ” (“Кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи”) исми 45 марта ўқилади.**

**Асаб хасталиклари 1131 марта “АЛ-МУҒНИЙ” (“Беҳожат қилувчи. У Зот Ўз бандаларидан қай бирини хоҳласа, беҳожат қилиб қўяди”) исмини айтиш билан шифо топади.**

**Бош оғриғидан халос бўлиш учун “АЛ-ҒАНИЙ” (“Беҳожат. Унинг ҳеч ким ва ҳеч**

**нарсага ҳожати тушмайди”) исми 1091 марта ўқилади.**

**Кўз оғриғида “АН-НУР” (“Ўзи зоҳир ва ўзгаларни зоҳир қилган”) 287 марта;**
**“АЛ-БАСИР” (“Ҳар бир нарсани кўрувчи”) 333 марта;**
**“АЛ-ВАҲҲОБ” (“Кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи”) 45 марта ўқилади.**

**Ошқозон ости безида касалланганда “АЛ-ЖАББОР” (“Жаббор – олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутади”) исми 237 марта ўқилади.**

**Ошқозон оғриганда “АР-РАЗЗОҚ” (“Кўплаб ризқ берувчи”) исми 379 марта айтилади.**

**Буйрак безовта қилса “АЛ-ҲАЙЙ” (“Тирик. У тирикдир, ўлмас. Яъни Аллоҳнинг ҳаёти абадийдир, ўлим ила йўқ бўлмас. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳаёти азалийдир, олдиндан йўқ бўлган эмас”) исми 49 марта ўқилади.**

**Ичак касалликларида “АС-СОБУР” (“Ўта сабрли. Осийларни азоблашга шошилмайди”) 329 марта айтилади.**

**Қанд касаллигида “АЛ-БАРР” (“Улуғ яхшилик қилувчи”) исми 245 марта ўқилади.**

**Бачадонда оғриқ бўлса “АЛ-ХОЛИҚ” (“Холиқ – асли ва ўхшаши йўқ нарсаларни аниқ бир ўлчовлар билан яратувчи. У Зотда махлуқи йўқлигида ҳам Холиқлик маъноси мавжуддир”) исми 762 марта ўқилади.**

**Ревматизмда “АЛ-МУҲАЙМИН” (“Ҳамма нарсани қамраб олувчи, яъни Аллоҳ бандаларининг барча ҳолатларига гувоҳ бўлиб туради, Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди”) исми 176 марта; унга сабаб бўлувчи бўқоқ бези касаллигида “АЛ-ҚОВИЙ” (“Қувватли Зот”) исми 147 марта ўқилади.**

**Кўз асаблари касаллигида “АЗ-ЗОҲИР” (“Унинг мавжудлиги ошкор, очиқ-ойдиндир.**

**У ҳамма нарсадан зоҳир – устундир”) исми 1137 марта ўқилади.**

**Юқори қон босимидан Аллоҳ таолонинг “АЛ-ҲАФИЗ” (“Ҳар бир нарсани комил муҳофаза қилувчи”) исмини 1512 марта ўқиш билан халос бўлинади.**

**Қовурғада оғриқ бўлса, “АР-РОЪУФ” (“Ўта шафқатли ва меҳрибон”) исми 283 марта ўқилади.**

**Кўз томирларида муаммо бўлса, “АЛ-МУТАЪОЛИЙ” (“Нуқсонлардан юқори турувчи Зот”) исми 572 марта ўқилади.**

**Ичак тутилишида “АР-РОЪУФ” (“Ўта шафқатли ва меҳрибон”) исми 318 марта ўқилади.**

**Жигар хасталикларида “АН-НОФИЪ” (“Манфаат берувчи”) исми 232 марта ўқилади.**

**Простатитдан Аллоҳ таолонинг "АР-РОШИД" ("Тўғри йўлга иршод қилувчи") исмини 545 марта ўқиган киши шифо топади.**

**Киста (жировик – тери остидаги ёғ ўсмаси, липома) касалликларига қарши "АН-НОФИЪ" ("Манфаат берувчи") исми 232 марта айтилади.**

**Сийдик йўли касалликларига қарши Аллоҳнинг "АС-СОМАД" ("Сомад сифати кўп маъноларни ўз ичига олади:**
**– итоат қилинган улуғ – Усиз ҳеч бир иш битмайди;**
**– ҳеч кимга ҳожати тушмайди, барчанинг ҳожати Унга тушади;**
**– бутун махлуқот битиб тугаса ҳам, Ўзи доим боқийдир ва ҳоказо") исми 51 марта айтилади.**

**Ғуддасимон без касаллиги "АС-СОМАД" исмини 51 марта ўқиш билан чекинади.**

**Ўпка касаллиги Яратувчининг "АР-РАЗЗОҚ"**

**(“Кўплаб ризқ берувчи”) исмини 339 марта ўқиш билан тузалади.**

**Робия ЖЎРАҚУЛОВА таржима қилди**

**Манба: muslim.uz**

**@aprel14_blog**